O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
NAVOIY VILOYATI
UCHQUDUQ TUMAN
HOKIMINING
QARORI

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
РЕШЕНИЕ
ХОКИМА
УЧКУДУКСКОГО РАЙОНА
НАВОИЙСКОЙ ОБЛАСТИ

Uchquduq tuman A.Temur ko chasi - 28
«27 » сентябр 2019 y (г).

р.Учкудук, ул. А.Темур - 28
№ 504-Қ

2020 йилда Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва заҳирага қўйиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонунининг 17-моддаси *(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 97-модда)*, "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунининг 25-моддаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлар тўғрисида"ги 2017 йил 24 майдаги ПҚ-3001-сон қарори *(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 22-сон, 420-модда, 37-сон, 982-модда)*, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги "Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартиби тўғрисида"ги 965-сонли қарори *(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси,.12.2017 й.,09/17/965/0393-сон)* билан тасдиқланган Низомга асосан 2020 йил учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш мақсадида, туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказининг 2019 йил 05 сентябрдаги 18/09-01/14-670-сонли хати ҳамда Учқудуқ туман Адлия бўлимининг 2019 йил 27 сентябрдаги 13/84-1-сонли хатини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 6, 25-моддаларига асосан;

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонунини 17-моддасига асосан ижтимоий муҳофазага муҳтож

ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун ходимларнинг ўртача сони 20 нафардан кўпни ташкил этадиган корхона, ташкилот ва муассасаларда 2020 йил учун 10 фоизгача миқдорида жами 352 та, яъни 2,7 фоиз квота иш ўринлари, жумладан:

ўн тўрт ёшгача ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали ота-оналар учун 4,1 фоиз -15 киши;

умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун 70 фоиз- 246 киши;

сафарбарлик чақируви захирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун 4 фоиз -14 киши;

ногиронлар учун 4,1 фоиз-15 киши;

пенсияолди ёшдаги шахслар учун 1,4 фоиз-5 киши;

жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки суднинг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланилишидан озод қилинган шахслар учун 4 фоиз - 14 киши;

одам савдосидан жабрланган шахслар учун 1,4 фоиз - 5 киши;

оғир турмуш шароитидаги хотин-қизлар учун 11 фоиз - 38 киши;

миқдорида иш ўринлари захираси белгилансин ва тумандаги корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар кесимида иловадаги жадвал асосида тасдиқлансин.

2. Корхона, ташкилот ва муассасаларнинг раҳбарларига:

ижтимоий муҳофазага муҳтож шахслар учун иш жойларининг кўрсатиб ўтилган миқдорини Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сонли Қарори билан тасдиқланган "Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида"ги Низомга мувофиқ белгиланган муддатларда ва тартибда яратилишини (ажратилишини ёки банд этиб қўйилишини) таъминлаш;

иш жойлари санитария гигиена нормаларига ва ходим ўз меҳнат мажбуриятларини бемалол бажаришини таъминлайдиган меҳнат шароитларига мувофиқ бўлишини таъминлаш;

ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни иш билан таъминлаш учун 2019 йил якунланишидан 10 кун олдин квота иш жойлари умумий миқдорининг камида 25 фоизи учун, 2020 йилнинг 10 апрелдан кечикмай иш жойларининг қолган қисми 75 фоизини барпо этиш (ажратиш ёки банд қилиб қўйиш) тўғрисидаги, яъни ҳар бир квота тоифаси бўйича иш ўринлари банд

қилиб қўйиладиган касблар ва лавозимлар, мутахассисликлар кесимидаги маълумотларни ва буйруқ нусхаларини Учқудуқ туман Бандликка кўмаклашиш марказига тақдим этиш топширилсин.

3. Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонуни 18-моддасига асосан ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларга энг кам миқдордаги иш жойларини яратиш юзасидан қабул қилинган мазкур қарорни бажармаганлик учун иш берувчилар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ва грантлар ажратиш тартиби тўғрисида низом билан тасдиқланган (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 31 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3163) Низомга асосан ижтимоий эҳтиёжманд аҳоли қатламларига мансуб шахсларни квоталанган энг кам сондан ортиқ миқдорда ишга қабул қилган ташкилотларга — ҳар бир ходим учун 12 ой давомида ҳар ойда энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баравари миқдорида ҳақ тўлаш тартиби жорий этилган.

5. Ташкилот ҳар ойда ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 5-кунигача туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига Низомнинг 5-иловага мувофиқ шакл бўйича муҳтожларни ишга жойлаштириш тўғрисида ахборот тақдим этади.

6. Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази беш кун муддатда ушбу қарорнинг иловасида кўрсатилган ташкилотлар раҳбарларининг эътиборига етказсин ва ушбу қарор бажарилиши устидан назоратни таъминласин.

Муҳтожлар учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш бўйича туман ҳокимининг ушбу қарори бажарилмаганда, шунингдек, уларни ишга қабул қилиш асоссиз равишда рад этилганлиги учун ташкилотларнинг мансабдор шахсларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маъмурий жавобгарликка тортиш таъминлансин.

7. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Ф.Бафоев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **С.Хамроев**

лойиҳага илова

Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини 2020 йил учун банд қилиб қўйишни белгиланган корхона, муассаса ва ташкилотлар

РЎЙХАТИ

Т/р	Корхона, ташкилот, муассасалар номи	Ходимлар-нинг рўйхат-даги ўртача сони	Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини энг кам сони	шу жумладан							
				Ўн тўрт ёшгача ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали ота-оналар	Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари	Муддатли харбий хизматдан бўшатилганлар ва сафарбарлик чақируви эҳтиёсига киритилган шахслар	Ногиронлиги бўлган шахслар	Пенсия-олди ёшдаги шахслар	Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки судининг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланилишидан озод қилинган шахслар	Одам савдоси қурбонлари	Оғир турмуш шароитидаги хотин-қизлар (тасдиқланган рўйхат асосида)
1	Шимолий Кон Бошқармаси	**10226**	222	4	199	10	2	0	2	0	5
2	Туман Тиббиёт бирлашмаси	**620**	12	3	2		3	2	2		
3	Учқудуқ туман Йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси	**122**	8		1	2		1	4		
4	Учқудуқ тумани маданият ва спорт ишлари бўлими	21	2	0							1
5	Учқудуқ туман Халқ таълими бўлими	34	3		2						1
6	10-сонли БМСМ	67	4	1	3						
7	3-умумий ўрта таълим мактаби	68	3		3						
8	4-умумий ўрта таълим мактаби	44	3	0	3						
9	7-умумий ўрта таълим мактаби	121	4		2			1			1
10	10-умумий ўрта таълим мактаби	122	4	0	3						1
11	9-умумий ўрта таълим мактаби	93	4	0	3						1
12	18-умумий ўрта таълим мактаби	115	5	0	2			1			2
13	Учқудуқ туман ДСЭНМ	29	3	1	0	0	0	0	0	0	2
14	2-умумий ўрта таълим мактаби	25	2	0	2						1
15	6-умумий ўрта таълим мактаби	35	3	0	2						
16	8-умумий ўрта таълим мактаби	27	2	0	2						
17	11-умумий ўрта таълим мактаби	32	3	0	2						1
18	12-умумий ўрта таълим мактаби	43	2	0	2						
19	13-умумий ўрта таълим мактаби	52	2	0			1				1
20	15-умумий ўрта таълим мактаби	24	3	0			1				
21	Учқудуқ тумани ободонлаштириш бошқармаси	107	15	3		2	2		6		1
22	-умумий ўрта таълим мактаби	33	2	0							2
23	20-умумий ўрта таълим мактаби	133	6	1						1	2
24	2-сонли "Қуёшжон" МТМ	124	4	0						2	1
25	1-сонли "Каптарча" МТМ	102	4	0	2		0			2	2
26	Учқудуқ тумани "Баркамол авлод" БМ	48	5	1			1				2
27	Учқудуқ туман Болалар-Ўсмирлар спорт мактаби	50	5	1			2				2
28	Учқудуқ тумани 7-сонли "Ёш Геологлар" МТМ	21	1	0			0				1
29	Учқудуқ тумани 4-сонли "Қалдирғоч" МТМ	23	1	0			0				1
30	Учқудуқ тумани 5- умумий ўрта таълим мактаби	61	**6**	**0**	3		**2**				1
31	Учқудуқ тумани 10-сонли "Жой оф Бабиес" МТМ	25	2	0							**1**
32	Учқудуқ тумани 11-сонли "Келажак Юлдузчалари" МТМ	35	3	0			1				1
33	ТИФ Миллий банк Учқудуқ туман филиали	30	3	0	3	0	0	0	0	0	1
34	Учқудуқ тумани Давлат Солиқ инспекцияси	23	1	0		0	0	0	0	0	0
ЖАМИ		**12721**	**352**	**15**	**246**	**14**	**15**	**5**	**14**	**5**	**38**

Учқудуқ туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази директори в.в.б **Э.Эргашев**

Ижрочи А.Имомов